



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

**ЎТМИШГА НАЗАР**

**2-МАХСУС СОН**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2**

**LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE-2**



ТОШКЕНТ-2021

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

|   |    |
|---|----|
| <b>1. Ҳожиакбар Ҳамидов, Шоҳиста Элмуратова</b><br>ЖАМИЯТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ<br>ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИНГ ОШИБ БОРИШИ.....            | 6  |
| <b>2. Шоҳистахон Ўлжаева</b><br>ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ИЛМ-ФАН СОҲАСИДА ГЕНДЕР<br>ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БАЪЗИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ..... | 12 |
| <b>3. Акрамжон Ахунوف</b><br>ҚЎҚОН БИРЖА КОМИТЕТИ ФАОЛИЯТИДА ТАШҚИ САВДО МАСАЛАСИ<br>(ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН МИСОЛИДА).....                           | 19 |
| <b>4. Дилором Ахмедова</b><br>O'ZBEKISTONDA GENDER-SOTSIALIZATSIYALSHUVINI<br>SHAKLLANISHINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....                    | 25 |
| <b>5. Муслима Базарова</b><br>ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА.....   | 30 |
| <b>6. Ҳалима Ботирова</b><br>АЁЛЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ<br>ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....                         | 34 |
| <b>7. Акбар Валиев</b><br>КОРОНОВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА<br>АҲОЛИ БАНДЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.....                                       | 39 |
| <b>8. Акбар Валиев, Ғайрат Ҳамраев</b><br>АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ.....   | 45 |
| <b>9. Шахноза Гаффарова</b><br>ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ИСЛОҲОТЛАРИ.....   | 50 |
| <b>10. Бехзод Исаков</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОЭКОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ВУЖУДГА<br>КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....            | 58 |
| <b>11. Яшин Каримов</b><br>СИРДАРЁДА КЕМАЧИЛИК: СУВ ТРАНСПОРТИ ВОСИТАЛАРИ,<br>ТУРЛАРИ, ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБЛАРИ.....                               | 64 |
| <b>12. Раъно Кодирова</b><br>ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ХОТИН ҚИЗЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ<br>САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДАГИ МУАММОЛАР.....                         | 69 |
| <b>13. Интизор Мамажонова</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НОТАРИАТ СОҲАСИДА АМАЛГА<br>ОШИРИЛГАН ИЛК ИСЛОҲОТЛАР ВА СОҲАГА ОИД ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ.....  | 73 |

|  |     |
|--|-----|
| <b>14. Бахтигул Мамадаминова</b><br>ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР<br>ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ.....  | 82  |
| <b>15. Набижон Нарзиев</b><br>МУЛОҚОТ МАДАНИЯТДА ПРОКСЕМИКА МАСАЛАСИ (ЭТНОЛОГИК ТАҲЛИЛ).....   | 87  |
| <b>16. Гўзал Раззакова</b><br>ХОРАЗМ ХАЛФАЧИЛИК САНЪАТИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.....   | 95  |
| <b>17. Нилуфар Рахматова</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КАШТАЧИЛИК<br>ВА УЙ МЕҲНАТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ.....                                 | 100 |
| <b>18. Muslima Sadikova</b><br>O'ZBEKISTONDA ILM-FANNING RIVOJLANISHIDA XOTIN-QIZLARNING ROLI.....   | 106 |
| <b>19. Нилуфар Салимсакова, Юлдуз Хусанбаева, Гўзал Хошимова</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА ФАРМАЦЕВТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА<br>ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ.....            | 113 |
| <b>20. Salimov Sayyodjon</b><br>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISIGA SAYLOVNING – MAJORITAR<br>TIZIMI: SHAKLLANISH TARIXI VA TAHLILLAR.....           | 117 |
| <b>21. Наргиза Сейтимбетова</b><br>МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ.....   | 123 |
| <b>22. Мамаразак Тагаев</b><br>БОЛАЛАР ТИББИЁТИНИ ТИЗИМЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ<br>ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.....  | 130 |
| <b>23. Нодира Толибоева</b><br>ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ<br>ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ.....   | 138 |
| <b>24. Бекзод Турсунов</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ<br>ЎРГАНИШДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МАРКАЗЛАРИ ТАЖРИБАСИ.....                  | 147 |
| <b>25. Зилола Турабоева</b><br>ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР, ҚАДРИЯТЛАРНИ ТИКЛАШ ВА<br>ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШДА<br>ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎРНИ..... | 152 |
| <b>26. Фахритдин Усаров</b><br>ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....   | 160 |
| <b>27. Гуласал Усманова</b><br>МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИДА УЙҒОНИШ ДАВРИ<br>ПОЙДЕВОРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ.....   | 167 |

|  |     |
|--|-----|
| <b>28. Гулшада Ўразалиева</b><br>ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ<br>ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ.....   | 176 |
| <b>29. Сулаймон Ҳайдаров</b><br>ҚИЛИЧ ВА МЎЙҚАЛАМНИ МОҲИРОНА ТУТГАН БОБУР.....   | 183 |
| <b>30. Нодирбек Ҳамаев</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШ ТАРИХИ АКС ЭТГАН<br>СОВЕТ МАТБУОТИ.....   | 188 |
| <b>31. Латофат Холназарова</b><br>XIX – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА МАДРАСАЛАР<br>ВА УЛАРНИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ЎРНИ.....   | 197 |
| <b>32. Равшан Худайбергенов</b><br>ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ДЕГРАДАЦИЯСИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР<br>ТАРИХИЙ МАНБАЛАР НИМА ДЕЙДИ?.....   | 202 |
| <b>33. Раҳимжон Ҳасанов</b><br>XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК<br>САНЪАТИ РИВОЖИ (Фахриддин Умаров ижоди мисолида).....  | 210 |
| <b>34. Шоҳиста Элмуратова, Нодира Рахмонбердиева</b><br>ЎЗБЕКИСТОН ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ТАРИХИДА ТАМАРАХОНИМ ВА<br>УНИНГ УЙ-МУЗЕЙИ АҲАМИЯТИ.....  | 216 |
| <b>35. Abdulazizbek O`tkirov</b><br>XIX-XX ASRLARDA HAYRIYA VA FILANTROPIYA MASALALARINING<br>O`RTA OSIYO HAMDA TURKISTON XALQLARI TARIXIDAGI O`RNI TANLILI<br>(DUNYO DINLARI MISOLIDA)..... | 221 |
| <b>36. Гуллола Юсупова</b><br>ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ<br>(XX асрнинг 60-70 йиллари мисолида).....   | 228 |
| <b>37. Илёс Шакиров</b><br>ЎЗБЕКИСТОН ВА СИНГАПУР ДИПЛОМАТИК<br>МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ОМИЛЛАРИ.....   | 236 |
| <b>38. Аъзамжон Юсупов</b><br>XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁДА<br>ИПАКЧИЛИК САНОАТИ ТАРИХИДАН.....  | 244 |

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Интизор Турдиматовна Мамажонова,  
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика  
институтини докторанти

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НОТАРИАТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЛК ИСЛОҲОТЛАР ВА СОҲАГА ОИД ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

**For citation:** Intizor T.Mamajonova. EARLY REFORMS IN THE FIELD OF NOTARIES DURING YEARS OF INDEPENDENCE AND THE GLOBAL EXPERIENCE. Look to the past. 2021, Special issue 2, pp.73-81

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-2-13>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йиллари 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида” ги қонуни, нотариал фаолият жамият ижтимоий ҳаётида ва мулкий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўринга эга эканлигини тасдиқланди. Мулкий муносабатларни тартибга солишда, қонун бўйича нотариал тартибда тасдиқланиши шарт этиб белгиланган нотариал ҳаракатлар жумладан, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган, меросхўрнинг улушига нисбатан мерос гувоҳномасини бериш, юридик мазмундаги фактларни тасдиқлаш ва бошқа нотариал ҳаракатлар бозор иқтисодиёти шароитида муҳим ўринга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

**Калит сўзлар:** Ҳуқуқий давлат, юридик хизмат, суд-ҳуқуқ тизими, нотариус, нотариуслар палатаси, хусусийлаштириш, суғурта.

Интизор Турдиматовна Мамажонова,  
Чирчиқская государственная педагогика  
Ташкентской области, Докторант

## ПЕРВЫЕ РЕФОРМЫ В НОТАРИАЛЬНОЙ ОБЛАСТИ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ И МИРОВОЙ ОПЫТ В ОБЛАСТИ

### АННОТАЦИЯ

В статье подтверждается, что Законом Республики Узбекистан «О нотариате», принятым 26 декабря 1996 года в годы независимости, нотариальная деятельность играет важную роль в общественной жизни общества и регулировании имущественных отношений. Было отмечено, что в регулировании имущественных отношений важное значение имеют нотариальные действия, в том числе связанные с недвижимым имуществом, выдача свидетельства о праве на наследство в отношении доли наследника, подтверждение юридических фактов и другие нотариальные действия. рыночная экономика.

**Ключевые слова:** верховенство закона, юридические услуги, судебная система, нотариус, нотариальная палата, приватизация, страхование.

Intizor T.Mamajonova,  
Chirchik state pedagogy  
of Tashkent region, PhD student

## EARLY REFORMS IN THE FIELD OF NOTARIES DURING YEARS OF INDEPENDENCE AND THE GLOBAL EXPERIENCE

### ABSTRACT

The article confirms that the Law of the Republic of Uzbekistan "On Notaries", adopted on December 26, 1996 during the years of independence, notarial activity plays an important role in the social life of society and the regulation of property relations. It was noted that in the regulation of property relations, notarial acts, including those related to real property, the issuance of a certificate of inheritance in respect of the share of the heir, the confirmation of legal facts and other notarial acts are important in a market economy.

**Index Terms:** Rule of law, legal service, judicial system, notary, chamber of notaries, privatization, insurance.

### 1. Долзарблиги:

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк кунлариданок ривожланишнинг дунё тажрибасида синалган, ўз навбатида кейинчалик “Ўзбек модели” деб тан олинган ўзига хос бўлган тараққиёт моделини ишлаб чиқди. Мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, бунинг учун фуқароларимизнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий савиясини оширишдан иборатдир. Ҳуқуқий давлат бу қонун устуворлиги демакдир. Республикаимиз мустақилликка эришгач, мулкчилик соҳасида муҳим ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз кўпгина мулкларни ўз ихтиёридан чиқариши оқибатида хусусий мулк вужудга келди, ўз навбатида мулк шакллариининг тенг ҳуқуқчилиги қонунан кафолатланди. Бунинг натижасида фуқаролик муносабатларида шартномали муносабатларнинг сони кўпайди, бу эса юридик хизматни пухта, сифатли даражада бўлишини талаб қилмоқда. Хусусий мулкчиликнинг шаклланиши, мулкчилик соҳасида бир неча хил турдаги мулк эгаларини вужудга келтирди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нотариал идоралар фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан четлаб ўтаётгани йўқ. Жамиятимизда кенг кўламда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни, нотариал идораларда бажариладиган нотариал ҳаракатларнинг турларини кенгайтишига имкон яратмоқда. Нотариал идоралар томонидан расмийлаштирилаётган кўчмас мулкка нисбатан олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномаларини сони кўпайди. Бу жараён эса фуқароларимиз ҳуқуқларини кенгайтиришдан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида энг олий қадрият сифатида инсон манфаатларига эътибор берилганлиги фикримизнинг далилидир. Конституциянинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларига асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деб белгилаб қўйилди[1].

Фикримизча, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари нафақат одил судловнинг самарадорлиги, балки, судгача бўлган нотариал идоралар томонидан ҳам қонунан ҳимоя қилиниши лозим, ушбу асосларга кўра бугунги кун нотариати, халқаро андозаларга жавоб берадиган даражада, ҳуқуқий жиҳатдан юксак савияда расмийлаштирилган нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришдан манфаатдор

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида, тадқиқот методологияси сифатида тарихийлик, узвийлик, кетма-кетлик, қиёсий таққослаш каби методологиядан фойдаланилди.

Ушбу илмий мақолани тайёрлаш жараёнида бир қатор адабиётлардан фойдаланилди. Мавзу мустақиллик йиллари нотариат соҳасида амалга оширилган илк ислохотлар ва соҳага оид жаҳон тажрибаси деб номланганлигини инобатга олган ҳолда, мустақиллик йилларида

мамлакатимизда амалга оширилган нотариат соҳасидаги ислохотларни ёритишда 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган ва 1997 йил 1 март кунидан кучга кирган Ўзбекистон республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни ўрганиб чиқилди. Ушбу қонун қабул қилингунча амалда бўлган ЎзССРнинг эски таҳрирдаги қонуни билан қиёсий таҳлил қилинди. Соҳага оид жаҳон тажрибасини ёритишда, хорижий давлатлардан Германия, Испания, Италия, Греция, Франция, Польша, Бельгия, Германия, Хитой каби давлатларнинг тажрибасини ўзида мужассам этган соҳага оид чоп этилган адабиётлар ўрганиб чиқилди, қиёсий таҳлил қилинди. Ушбу давлатларда нотариус вазифасига тайёрлаш бўйича белгиланган тартиб-қоидаларга эътибор қаратдик, жумладан айрим давлатларда Испанияда нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш учун олий маълумотли шахс барча ҳуқуқ соҳалари бўйича яна алоҳида имтиҳон топширади. Конкурсада ғолиб чиққан шахсга нотариус дипломини Испания қиролининг шахсан ўзи топширади. Францияда нотариуслик лавозими меросхўрларга ўтади бу ҳолат Италия ва Грецияда ҳам мавжуд. Шунингдек, МДХ давлатларидан Россия Федерацияси, Қозоғистон каби давлатларнинг фаолияти ҳам ўрганилиб, таҳлил қилинди.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган мурожаатида мамлакатимиз тарихини яқиндан ўрганиш ва хронологик тарзда ўрганишни қонун даражасига кўтарди[2]. Бу эса биз тарихчиларга катта мажбурият юклаш билан бирга Ватан олдидаги масъулиятни кучайтирди Таъкидлаш жоизки, нотариат соҳаси ҳуқуқнинг бир бўғини ҳисобланади. Ҳуқуқ давлат билан бирга пайдо бўлади ва ривожланади. Давлат бўлмаган жойда ҳуқуқ бўлмайди. Олим Зиёдулла Муқимов таъбири билан айтганда “Жамиятдан ташқари давлат ва ҳуқуқ бўлмагандек, давлат ва ҳуқуқнинг ундан алоҳида ажралган ҳолдаги тарихи ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки давлат жамиятнинг ўз маҳсули, ўзи кашф этган сиёсий ташкилот бўлса, ҳуқуқ унга хизмат этувчи мезонлар, қоидалар тўпламидан иборат”[3]. Нотариат соҳаси мамлакатимизда мавжуд бўлган ҳуқуқлар тизимида ўз ўрнига эга бўлган ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Тарих саҳифаларига муҳрланган эски таҳрирдаги “Давлат нотариати ҳақида”ги ЎзССР қонунидан мустақиллик шарофати билан воз кечилди[4]. Мамлакатимизнинг ички омиллари ва миллий кадрларимизни эътиборга олган ҳолда ўз тилимизда илк маротаба мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўзбек тилидаги “Нотариат тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Соҳа қонуни халқаро андозаларга жавоб берадиган даражада ишлаб чиқилди. Жумладан, 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги қонун, эски 1974 йилда қабул қилинган ЎзССР қонунининг, ўрта маълумотли бўлган шахсларни нотариус лавозимига тайинланиши мумкинлиги ҳақидаги қонундан воз кечди. “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси “Ўзбекистон Республикасида нотариус” деб номланиб, ушбу моддага кўра, “Ўзбекистон республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширгач, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади” деб ўзгартирилди[5].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш жараёнидан келиб чиқиб, жамиятда нотариатнинг обрўси ва кадрларни халқаро андозаларга мос тайёрлаш мақсадида мамлакатимизда амалда бўлган “Нотариат тўғрисида”ги қонунга бир қатор ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилди, оқибатда нотариат соҳаси яна бир бор ислох қилинди.

Жумладан, мамлакатимизда амалда бўлган 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги қонунга кўра, “Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик стажировкани ўтаб малака имтиҳонини

топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси” тайинланиб келинган эди.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган бир йиллик стажировка муддати, икки йил деб ўзгартирилди. Қолаверса амалда бўлган соҳа қонунда нотариус лавозимига неча ёшдан тайинланиш мумкинлиги ифода этилмаган эди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш юзасидан билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, соҳани тажрибали, етук кадрлар билан таъминлаш мақсадида, нотариус лавозимига 25 ёшдан тайинланиш мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар нотариат соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Амалдаги “Нотариат тўғрисида”ги қонунга нотариуслар ўз фаолиятини бажаришга киришишдан аввал қасамёд қилишлари ҳақида алоҳида бир модда киритилди

Бу ҳолат нотариусларнинг ўз касбига нисбатан ҳурмат билан қарашларига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларга масъулият юклаб, бажараётган ҳар бир нотариал ҳаракатга, унинг ҳуқуқий оқибатига нисбатан жавобгарлик ҳиссини оширди

Таъкидлаш жоизки, хориж ва ҳамдўстлик давлатларининг тажрибаларида ҳам нотариусларни суд олдида қасамёд қабул қилишлари қонун даражасига кўтарилган. Жумладан, Украина “Нотариат тўғрисида” ги қонунни 6-моддаси[6], Россия Федерациясининг “Нотариат тўғрисидаги қонунчилик асослари” 14- моддаси нотариус қасамёдига бағишланган[7].

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонунга асосан нотариуслар қасамёдни суд олдида эмас, балки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг мажлисида қасамёд қабул қиладилар, мазкур норма соҳа қонунининг 3-моддасида ўз ифодасини топди.

Ушбу ўринда қайд этиш жоизки, айрим, ҳамдўстлик давлатларида нотариус лавозимига тайинланиш учун белгиланган стажировка муддати узоқ муддат белгиланган масалан, Якутияда 3 йиллик муддат ўтиши кўрсатилган[8]. Якутияда ҳеч қандай ҳолат ушбу муддатни қисқартириш учун асос бўла олмайди ва юридик мутахассислиги бўйича қанча стажга эга бўлганлиги инобатга олинмайди. Шунингдек, ушбу кунда Халқаро Лотин Нотариати Иттифоқига кирган 60 дан зиёд давлатларда ҳам (Австралиядан ташқари) 2003 йилда бу Иттифоқ таркибига Хитой ҳам кўшилди, нотариуслик лавозимига тайинлаш ва ундан озод қилиш тартиблари турлича белгиланган. Жумладан, Германияда нотариуслар бир вақтда адвокат ҳам бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида иккала вазифани ҳам амалга оширадилар[9]. Бу бирлик фаолиятни биз Америка, Швейцария мисолларида ҳам кўришимиз мумкин. Халқаро Лотин Нотариати Иттифоқи 1948 йилда ташкил этилган бўлиб, бу Иттифоқ нотариус лавозимига ҳар томонлама етук кадрларни тайинлаш лозимлигини назарда тутади.

Германияда нотариус лавозимига, Германия фуқароси бўлган, алоҳида академик тайёрловдан ўтган, Университетни (олий даргоҳни) мувафаққиятли тамомлаган, икки ёки икки ярим йил суд, прокуратура, адвокатурада амалиёт ўтаган, шунингдек уч йил нотариус-ассессори бўлиб стажировка ўтаб, синовдан ўтган, судьялик лавозимини эгаллаш учун зарур бўлган барча талабларга жавоб берган, шахсларгина нотариус лавозимида ишлашлари мумкин[10]. Шахсни нотариус лавозимига тайинлаш учун у 30-35 ёшга тўлган бўлиши лозим[11]. Шунингдек, нотариуслар ўз фаолиятига киришишларидан аввал суд олдида қасамёд қабул қиладилар. Бу ҳолатни Франция, Испания тажрибаларида ҳам кўришимиз мумкин[12].

Австрияда нотариуслик лавозимига даъвогар бўлган шахс олий юридик маълумотли, нотариат соҳаси бўйича алоҳида ўқиб малака оширган австрия фуқароси бўлиб, мутахассислик бўйича 7 йил иш стажига эга бўлиши керак[13]. Бельгияда нотариус лавозимига тайинланишлик учун шахс олий юридик маълумотга эга бўлиши, бунинг учун олий даргоҳда 5 йил ўқийди, нотариус лавозимига тайинланишлик учун эса яна 5 йил

қўшимча ўқиб нотариус деган диплом олади, ушбу дипломни олгач, нотариус лавозимига тайинланишлик учун 3 йил стажировка муддатини ўтайди[14]. Нотариус лавозимига қирол тайинлайди.

Голландияда нотариус лавозимига тайинланиш учун олий даргоҳни нотариат мутахассислиги бўйича тугатган бўлиши, сўнг уч йил қўшимча стажировка ва ушбу муддат ичида бир вақтда қўшимча нотариат бўйича курсларга бориши, ушбу соҳа бўйича белгиланган муддатни ўтаган бўлиши, яъни шахс олий даргоҳни битиргач, 15 йил ўтгандан сўнггина нотариус бўлиб ишлаши мумкин. Нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш учун унга ҳуқуқни қиролича беради[15].

Грецияда нотариус бўлиш учун шахс олий маълумотли юрист бўлиб, бир ярим йил адвокатурада ишлаган бўлиши, нотариал фаолият билан шуғулланишга руҳсат олгач, 2 йил нотариал идорада стажировка ўтайди. Шундан сўнг нотариусликка ўз номзодини кўрсатган шахс конкурсда иштирок этади. Адлия вазирлигида ўтказилган конкурсда ғолиб чиққан шахс нотариус лавозимига тайинланишлиги мумкин[16].

Испанияда нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш учун олий маълумотли шахс барча ҳуқуқ соҳалари бўйича яна алоҳида имтиҳон топширади[17]. Конкурсда ғолиб чиққан шахсга нотариус дипломини Испания қиролининг шахсан ўзи топширади. Францияда нотариуслик лавозими меросхўрларга ўтади бу ҳолат Италия ва Грецияда ҳам мавжуд[18].

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат маъмурий идоралар тизимида ўзига хос ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институт сифатида тан олинди[19].

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар натижаси боис, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ташкил топди. Маълум бўлишича 1997 йилдан, 2008 йилгача республикада 237 нафар нотариус хусусий амалиёт билан шуғулланди[20].

Амалдаги “Нотариат тўғрисида”ги қонунда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини суғурта қилиш тартиби эътироф этилганлигига гувоҳ бўламиз ва ва суғурта суммаси ўша вақтда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан кам бўлмаслиги керак” – деб қонунда ўз ифодасини топди[21].

Мустақиллик йилларида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятининг суғуртаси етказилган зиённи қоплашга қаратилганлигини эътиборга олиниб, бу борада бозор иқтисодиёти шароитида халқаро меъёр талабларига мос келадиган янги ҳуқуқ механизми яратилди. Натижада нотариал ҳаракатларни давлат нотариуслари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, консуллар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оксоколлари) қонунда кўрсатиб ўтилган бошқа мансабдор шахслар амалга ошириб келди.

Нотариуслар нотариал ҳаракатларни бажариш вақтида бевосита фуқароларнинг ўзлари билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, қандай мақсадда нотариал идорага мурожаат этганлигини аниқлайдилар. Нотариус томонидан бажарилиши лозим бўлган нотариал ҳаракатлар қонунга зид бўлмаса, яъни низосиз бўлиб, бошқа шахсларнинг манфаатларига путур етказмасагина уни амалга оширадilar. Бу билан нотариал идоралар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар ва келгусидаги келиб чиқиш эҳтимоли бўлган низоларни ҳам олдини оладилар. Нотариал идораларнинг ушбу фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир деб тушуниш, унинг ҳуқуқий табиатини тўлақонли очиб

берганлиги билан изоҳланади. Нотариал идора манфаатдор шахсларга хизмат кўрсатувчи идора ҳисобланиб, нотариал ҳаракатларни бажаришни сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг талаб ва истакларини қонун доирасида амалга ошириб, уларнинг талабини қонунан мустаҳкамлайди. Фуқаролик муносабатларига киришаётган шахсларга бажарилиши лозим бўлган нотариал ҳаракат ва унинг оқибатлари нотариус томонидан тушунтирилади. Амалдаги қонунларга кўра, нотариусларга муҳим вазифа юклатилган бўлиб, уларни бажариш учун нотариусдан юксак савия, талабчанлик, хушмуомалалик талаб қилинади.

Мавзуни назарий жиҳатдан бойитиш мақсадида биз МДХ давлатларининг нотариат соҳасига оид қонунларига ҳам мурожаат этишни лозим топдик. Жумладан, Қозоғистон Республикасида “Нотариат тўғрисида”ги қонун 1997 йил 14 июлда қабул қилиниб, 15-моддасида хусусий малиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фаолияти ёритиб берилди. 1998-1999 йилларда биринчи мартаба Республикада хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралар ташкил топди.

Қозоғистон Республикасида фаолият юритувчи нотариал палата 2001 йил лотин нотариат иттифоқининг Афина шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро семинарида кузатувчи сифатида иштирок этди. 2003 йил 30 июн ҳолатига Қозоғистон Республикасида 143 та давлат нотариуси ва 1007 та хусусий амалиёт билан шуғулланаётган нотариуслар фаолият юритган.

2008 йил ҳолатига кўра Қозоғистонда 1341 та хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолият кўрсатган[22]. Россия Федерациясининг “Нотариат ҳақидаги қонунчилик асослари” 1993 йилда қабул қилинди, ушбу қонунга кўра нотариал идоралар давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралардан иборат бўлган ҳолда лотин нотариати асосида ташкил топди. Бунга кўра нотариус томонидан бажарилган ҳар бир нотариал ҳаракат давлат номидан амалга оширилиб, қонун билан кафолатланган ва нотариус ўзи бажарган нотариал ҳаракат оқибатида етказилган зарарни қоплаши қонунда ўз аксини топди.

Россияда ўн та нотариусдан тўққизтаси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар бўлиб бу Россияда фаолият юритаётган нотариусларнинг 90 фоизини ташкил этади[23]. Латвия 1993 йил 1 июнда “Нотариат ҳақида”ги қонунни қабул қилди. Бу қонунга асосан Латвияда давлат нотариал идоралари мавжуд эмас, оммавий равишда хусусий амалиёт билан шуғулландилар. Латвияда нотариуслар фақат қонунга бўйсунган ҳолда лотин нотариати асосида фаолият юритадилар[24]. Литвада “Нотариат ҳақида”ги қонун 1992 йил 15 сентябрда қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра давлат нотариал идоралари ташкил этилмади. Республикада фақат лотин нотариатига асосланган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралар ташкил этилди[25]. Молдованинг “Нотариат ҳақида”ги қонунига кўра икки турдаги нотариал идора, яъни, давлат нотариал идораси ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралар сақланиб қолган[26]. Айни вақтда шуни айтиб ўтиш жоизки, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда тузиладиган нотариал палатага бирлашишлари мумкин. Мустақиллик йилларида нотариал идоралар фаолиятини кенгрок ёритиш мақсадида МДХ ва хорижий давлатларда фаолият юритаётган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини ҳам ўрганиб чиқдик. Бундан шундай хулоса келиб чиқдики, нотариуслар палатаси халқаро миқёсда ҳуқуқий жиҳатдан анчагина ваколатга эга. Жумладан: Парижда нотариуслар палатаси 1803 йил 16 мартда ташкил этилган бўлиб, 2003 йил 16 март кунда Парижда нотариал палата ташкил этилганлигининг 200 йиллиги нишонланди. Нотариал палата фаолияти Германия [27], Францияда[28] ҳам кенг йўлга қўйилган. Нотариал палаталар ўзини ўзи бошқариш тизимига асосланган юридик шахсдир. Нотариал палаталарнинг жамиятда тутган ўрни катта бўлиб, нотариуслик лавозимига зеҳнли, тажрибали, ўз касбий маҳоратига эга бўлган юристларни танлаб олишда палатанинг ўз ўрни бор деб биламиз. Ушбу кундаги жаҳон тажрибаси ҳам фикримизни тасдиқламоқда. Францияда 1803 йил 16 март кунда ташкил этилган нотариал палата

нотариуслар ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантирган ҳолда жамоат ташкилоти ҳисобланган:

Франция Олий Нотариат Совети;  
Минтақалар бўйича Нотариуслар Совети;

Нотариал Палата Департаментини ташкил этганлар. Юқорида санаб ўтилган барча тузилмалар Францияда фаолият юритаётган нотариусларнинг бирлашмасидан ташкил топган. Бу тузилмалар ичида асосий ўринни нотариал палата департаменти эгаллайди. Ушбу палата ваколатига келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни олдини олиш, нотариуснинг ҳатти-ҳаракатига нисбатан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш, мурожаат этган шахсларга ёрдам сифатида бепул маслаҳатлар беришни ташкиллаштириш масалаларини ҳал этиш, нотариусларнинг фаолиятини ёритиб бориш мақсадида ўз журналларини чоп этиш каби масалаларни ҳал этиш киради[29].

Грецияда амалда бўлган Нотариат кодексига кўра, нотариуслар нотариал палатага бирлашишлари мумкин. Нотариал палаталар нотариал идораларни фаолиятини такомиллаштириш, мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилиб, зехнли кадрларни нотариус лавозимига танлаб олишда назоратни амалга оширади, нотариусга нисбатан тушган айрим шикоятларни коллегиял тарзда кўриб ҳал қилади, жаҳон миқёсида ташкил этилган бошқа нотариал палаталар билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади нафақага чиққан нотариусларни ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш мақсадида маълум бир дастурларни ишлаб чиқади[30].

Польшада ўзини ўзи бошқариш тизими ривожланган бўлиб, бу борада нотариуслар палатаси фаол иш олиб боради.

Польшада нотариал палаталардан ташқари ўзини ўзи бошқариш тизимига асосланган нотариуслар Миллий Совети ҳам ташкил этилган. Нотариуслар Миллий Совети Нотариал палаталарни ўз ичига бирлаштирган бўлиб, Польшада ўндан ортиқ нотариал палаталар мавжуд. Нотариусга нисбатан тушган шикоятларни, интизомий жавобгарлик масаласини нотариал палаталарнинг интизомий судлари кўриб ҳал қилади, буни польшаликлар биринчи инстанция суди деб ҳам атайдилар[31]. Нотариал палата қошида Олий интизомий суд ҳам ташкил этилган бўлиб, буни иккинчи инстанция судлари деб атайдилар. Ўзини ўзи бошқариш тизимига асосланган бу фаолият ички назоратни ташкил этиб, ташқи назоратни Адлия вазирлиги олиб боради[32].

Эстонияда нотариуслар нотариал палатага бирлашган бўлиб, нотариал палатага нотариал ҳаракатларни амалга ошириш борасида қўлланмалар, тавсияномалар ишлаб чиқиш ҳукуқи ҳам берилган[33].

Испания давлатининг 1962 йил 28 майда қабул қилган “Нотариат тўғрисида”ги қонунинг 41- моддасида, ушбу давлатда фаолият юритувчи барча нотариал идоралар нотариал палатага бирлашишлари, барча нотариуслар палатанинг аъзоси бўлиши мажбурийлиги кўрсатилган. Палатани Хунта (палата совети) бошқаришлиги, палата ўз устави ва раҳбариятига эга эканлиги қонунда ўз ифодасини топган. Хунтага нотариусларни интизомий жавобгарликка тортиш ваколати берилиб, бу жарима жазоси эканлиги, жарима жазосидан сўнг Адлия вазирлиги бундай нотариусга жиноят иши кўзғатиши мумкинлиги кўрсатилган[34].

Мустақиллик йиллари қабул қилинган 1996 йил 26 декабрдаги “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 9- моддасида, “хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда тузиладиган нотариал палатага бирлашишлари мумкин” дейилган[35].

Бирок, тарихий ҳужжат ҳисобланган соҳа қонунида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар палатага бирлашишлари мумкинлиги кўрсатилган бўлса-да, лекин соҳа қонунида нотариал палата ҳақида тушунча, унинг ваколатлари ёритилмаганлигига гувоҳ бўлдик.

Мустақиллик йилларида Нотариат тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритилган. Ушбуга кўра нотариус лавозимига талабгор бўлган шахсларга талаб кучайганлигини гувоҳи

бўламиз. Яъни Қонун талабига кўра, шахс нотариус бўлиши учун йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин. Судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмаслигини қонунда ўз ифодасини топган. Шунингдек, Қуйидагилар нотариус бўлиши мумкин эмас: муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс; қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс; ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, суриштирувчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати тугатилган шахслар нотариус бўлмаслигини қонун ўзида мустақкамлаган[36].

Мустақиллик йилларида нотариал фаолиятда туб ўзгаришлар содир бўлди. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти 2010 йил 15 май кунда тугатилди[37].

#### 4.Хулосалар:

Олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий-илмий хулосаларга келиш назарда тутилган бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз сиёсатининг устувор йўналиши деб билган Ўзбекистон давлатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоӣ ҳаётда нотариал идораларнинг фаолиятини яқиндан ўрганиш, Нотариат тўғрисидаги қонунга мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни мамлакатимиз тарихида тутган ўрнини илмӣ таҳлил қилиш. Хулоса қилиб айтганда мустақиллик шарофати билан бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодиётни барқарорлаштириш, жамиятдаги ижтимоӣ-иқтисодӣ муносабатларни ҳуқуқӣ жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида қатор қонунлар қабул қилиндики, бу омиллар нотариал фаолиятни мустақиллик йилларида янада кенгайтишига олиб келди.Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 26 декабрда қабул қилиниб, 1997 йил 1 март кунидан кучга кирган “Нотариат тўғрисида”ги Қонун мустақиллик йилларида нотариал фаолиятнинг барча жабҳаларини тартибга солувчи меърий ҳужжат бўлди.

#### Иқтибослар/ Сноски/References:

- 1 Constitution of the Republic of Uzbekistan. – Т.: “Justice (Adolat)”, 2013. 13 article.
- 2 Application of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis on December 28, 2018.
- 3 Ziyodulla Mukimov. History of the state and law of Uzbekistan. Т.: “Justice (Adolat)” 2003, -P. 5.
- 4 “On the State Notary ” Law of the Uzbek SSR. Bulletin of the Supreme Soviet of the UzSSR, 1974, No. 22, art. 251).
- 5 Law of the Republic of Uzbekistan "On Notaries" // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, №2, Article 42.
- 6 Law of Ukraine "On Notaries".- Kiev, 2 September, 1993. № 3425-X11.
- 7 Fundamentals of the legislation of the Russian Federation on notaries. Adopted by the Supreme Soviet of the Russian Federation on February 11, 1993 (BBC.1993, No. 10, Article 357).
- 8 Yakutskoe Vedomosti, 1993 –№11, –P. 1-9.
- 9 Hille B., Eisenreich D. “Transition from the state form of notary offices of the State Financial Fund to the form of free notary offices” Modern notaries. Structures and tasks. Cologne-1993.- P. 351.

- 10 Notarial Bulletin –Moscow Ed. Lawyer. Legal practice -1999. – №5. –P. 6.
- 11 Dietrich Kleppi, Notary of the Rhine Chamber of Notaries “Notaries in Germany” // J. Notarial Herald. - Moskava. Ed. Lawyer -1998. –№10. –P 47.
- 12 Selyanin A.V. Notaries. - Moscow. 2005. –P. 32.
- 13 Notarial Bulletin 1999. Moscow Publishing House-Lawyer –№5.–P. 43-44.
- 14 Notarial Bulletin //J.– Moscow, 1999. –№5. –P. 45.
- 15 Notarial Bulletin //J.– Moscow, 1999.–№5.–P. 47.
- 16 Notarial Bulletin //J.– Moscow, 1999. –№5. –P. 43.
- 17 Notarial Bulletin //J.– Moscow, 1999.–№5. –P. 43.
- 18 Notarial Bulletin //J.– Moscow, 1999. –№5. –P. 50.
- 19 Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997 №2, Article 42 20 It is written on the basis of the reference received from statistical department of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan.
- 21 Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997 №2, Article 42
- 22 News of the Notary of the Republic of Kazakhstan J. 2007. Reprint from the website of the Republican Chamber of Notaries of Kazakhstan <http://notariat.kz> . –P. 34-35.
- 23 Notaries in the Russian Federation 2002. Site of the Russian notaries [www.notary](http://www.notary). See also "Notarial bulletin", 2000.–P.2-5.
- 24 Notarial Gazette, Lithuanian Notary. 2002 Site of the Lithuanian notary [www.notary.lv](http://www.notary.lv) See also "Notarial bulletin", 2005,–P. 52..
- 25 Notarial Gazette, Lithuanian Notary. 2002 Site of the Lithuanian notary [www.notary.lv](http://www.notary.lv) See also "Notarial bulletin", 2005, –52с.
- 26 Нотариат Молдавии 2002г. Сайт Молдавии “Реальный голос” [www.notary](http://www.notary). See also "Notarial bulletin", 2002,–66с.
- 27 “Chamber of Notaries” Hans-Jorg Assenmacher. Modern notaries. Structures and tasks. Cologne-1993, –P. 191-199.
- 28 Organization and self-government of notaries. // J. Notarial bulletin. Moscow, 1998.–№11.– P. 3-13.
- 29 On the structure of the notary of France Piepu JF. // J. Decree. –P. 20.
- 30 Notary of Greece // J. Notarial bulletin, – Moscow, 2007.– № 5. –P. 17.
- 31 Notary of Poland // J. Notarial bulletin, Moscow, 2007. –№ 4. –P. 22.
- 32 Notary of Poland // J. Notarial bulletin, Moscow, 2007. –№ 4. –P. 22.
- 33 Estonian notaries // J. Notarial bulletin, Moscow, 2005. –№ 6. –P. 7.
- 34 Spanish notary see J. Notarial bulletin, Moscow, 2005 ,–№ 4. – P. 4-5.
- 35 Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, №2, 42-article
- 36 (Article 2 as amended by the Law of the Republic of Uzbekistan dated October 11, 2018 No. ZRU-497 - National Database of Legislation, 12.10.2018., 03/18/497/2044)
- 37 Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 05.05.2010 NUP - 4216 “On measures to further improve the institution of notaries in the Republic of Uzbekistan”.